

“EUROASIA INSURANCE”

Акциядорлик жамияти Қўшма корхона
Акциядорларининг 2023 йил 27 январдаги
навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори
билан тасдиқланган.

Бош директор _____ И.Ш.Абдукаҳхаров



“EUROASIA INSURANCE”

**Акциядорлик жамияти қўшма корхонанинг
УСТАВИ**

(Янги таҳрир)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Бундан буён матнда “жамият” деб аталувчи “EUROASIA INSURANCE” Акциядорлик жамияти муқаддам Чилонзор туман давлат хизматлари маркази томонидан 1998 йил 18 декабрда 1802-сон билан Qo'shma korxonа «EUROASIA INSURANCE» суғурта компанияси масъулияти чекланган жамияти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. 2022 йил 26 январда ташкилий-ҳуқуқий шакли акциядорлик жамиятига ўзгартирилиб “EUROASIA INSURANCE” Акциядорлик жамияти шаклидаги Қўшма корхона сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган. “EUROASIA INSURANCE” Акциядорлик жамияти шаклидаги Қўшма корхона Масъулияти чекланган жамият шаклидаги Қўшма корхона “EUROASIA INSURANCE” суғурта компаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур уставга мувофиқ амалга оширади.

4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: “EUROASIA INSURANCE” Aksiyadorlik jamiyati Qo'shma korxonа;

кирилл ёзувида: “EUROASIA INSURANCE” Акциядорлик жамияти Қўшма корхона.

4.2. Рус тилида: Совместное предприятие акционерное общество “EUROASIA INSURANCE”.

4.3. Инглиз тилида: Joint venture “EUROASIA INSURANCE” Joint stock company.

5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: “EUROASIA INSURANCE” AJ QK;

кирилл ёзувида: “EUROASIA INSURANCE” АЖ ҚК.

5.2. Рус тилида: СП АО “EUROASIA INSURANCE”.

5.3. Ингилиз тилида: JV “EUROASIA INSURANCE” JSC.

6. Жамиятнинг манзили: 100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Буюк Турон МФЙ, Абдулла Кадири кўчаси, 3-А уй.

7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@eai.uz.

8. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.eai.uz.

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

9. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

11. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

12. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

13. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

15. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

16. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

17. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

18. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳақли. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

19. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

20. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав капиталида бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

21. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорларнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядорлар мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

22. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорларнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

23. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

24. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

25. Жамият тузилишидан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва унинг тузилмаси шаклланишида суғурта хизматларини кўрсатиш йўли билан даромад топиш орқали бевосита иштирок этишдир.

26. Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Жамият қўйидаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- суғурталовчи сифатида суғурта фаолияти, шунингдек қайта суғурталаш фаолияти;
- инвестицион фаолият;

- суғурта қилиш соҳасида мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган фаолият;
- суғурта агенти сифатида воситачилик фаолияти.

27. Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари, Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

28. Жамият суғурталовчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширади.

29. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун олдидаги вазифаларни бажариш мақсадида қуйидагиларга ҳақлидир:

- чет эл ва МДХ давлатларининг корхона ва ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликларни ривожлантириш;
- келишилган тариф ва нархлар асосида суғурта қилишнинг ихтиёрий тури бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг Иштирокчиси бўлишга ёки уларнинг устав капиталида бошқа тарзда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида каби унинг ташқарисида ҳам ваколатхоналар, филиаллар, савдо уйлари очиш;
- ассоциация, уюшма, бирлашмаларга аъзо бўлиш;
- банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий ҳисоб рақами ва валюта ҳисоб рақами очиш, судда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, банк кредитини олиш, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказиш ва акцептлаш, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ, ваколатланган банк орқали ўз воситаларини конвертация қилиш;
- тендер ва танловларда иштирок этиш;
- хўжалик фаолиятини мустақил режалаштириш;
- қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларини тузиш ва бажариш;
- ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қайта суғурта қилдириш;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта ҳодисаларини бартараф этиш ва олдини олиш бўйича чоратадбирларни молиялаштириш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган суғурта турлари бўйича қоида (шартлар) ўрнатиш;
- суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тарғибот идоралари, судлар, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометрологик ва бошқа ташкилотлардан сўраш ва олиш;
- суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурталаш брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа иштирокчилари билан тегишли равишда шартномалар тузиш;
- қонун ҳужжатларида ва/ёки суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта товонидан воз кечиш, суғурта шартномаларини муддатидан олдин тўхтатиш;
- чет эллик суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматини кўрсатиш;

- Жамият томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки суғурта шартномаларини тузиш натижасида ўз тасарруфига олган мулкни сотиш ёки ижарага бериш;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олиш;
- Жамиятга юклатилган вазифаларни бажаришда ва хўжалик фаолиятини юритишда зарур бўладиган товар моддий бойликлар, ишлаб чиқариш ва техник мақсадларидаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олиш;
- аукционларда, савдоларда, конкурс-кўриқларда иштирок этиш, ҳомийлик ва ҳайрия тадбирларини амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

30. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

31. Жамиятнинг устав капитали 66 620 275 000 (олтмиш олти миллиард олти юз йигирма миллион икки юз етмиш беш минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 66 620 275 (олтмиш олти миллион олти юз йигирма минг икки юз етмиш беш) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

32. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

33. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

34. Устав капиталини ошириш мақсадида Жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган ҳужжатсиз шаклдаги 150 000 000 (бир юз эллик миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

- Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 115 000 000 (бир юз ўн беш миллион) дона;
- Эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони – 35 000 000 (ўттиз беш миллион) дона.

35. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

36. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

37. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият кузатув кенгаши қарори билан қабул қилинади.

38. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

39. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

40. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

41. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорларга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

42. Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

43. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

44. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

45. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

46. Жамиятнинг акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, акциядорларнинг ҳар бирига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда олиш юзасидан акциядорлари имтиёзли ҳуқуқга эга.

Жамиятнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, жамиятнинг акциядорлари сотаётган акцияларни олиш юзасидан жамият учун имтиёзли ҳуқуқга эга.

Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда жамият орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш учун жамиятга ариза билан мурожаат этиши лозим. Жамият томонидан имтиёзли ҳуқуқ тўғрисида акциядорлар хабар қилинган вақтдан бошлаб йигирма беш кун ичида қолган акциядорлар, ушбу муддатдан кейин беш кун ичида жамият имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланилади.

Акциядор томонидан ўзига тегишли акциялар имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган акциядори ва (ёки) жамият бундай қоидабузарлик тўғрисида акциядор ёки жамият билган ёхуд билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида ўзига сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни олишга бўлган ушбу имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

47. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

48. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);
- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик;
- Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бош директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим;
- Акциядорлар ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи

Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

49. Акциядорлар мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

50. Жамият ўзининг акциялари оддий, шунингдек имтиёзли акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади.

Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

51. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

52. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

53. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

54. Дивиденд акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

55. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VII. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

56. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

57. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

58. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

59. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган

тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

60. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби ҳамда уни тўлаш муддати, яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

61. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

62. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

63. Жамият:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас;

ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

64. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

65. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондиди ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши қарорида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

66. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

67. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорда ажратмалар ўтказилади.

68. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

69. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорлар умумий йиғилиши
- Кузатув кенгаши
- Ижроия органи (Бошқарув ва унинг раиси - Бош директор).

Х. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

70. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

71. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойининг тўртинчи ҳафтасида ўтказилади.

72. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

73. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади: кузатув кенгашини сайлаш;

тафтиш комиссиясини сайлаш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;

Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;

фойда ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

74. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

75. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

76. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- устав капиталини камайтириш;
- жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- тафтишчини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим ва жамият афилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади;
- Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш
- Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Бошқарув ва назорат органини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Жамият ягона акциядори томонидан қарорларни қабул қилиш тўғрисида”ги, “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтишчи тўғрисида”ги низомларини тасдиқлаш;
- мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

77. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тўзилган ишончнома асосида иш юритади.

78. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

79. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

80. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

81. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

82. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

83. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 кишидан иборат.

84. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг ўстувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли

масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

85. Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

86. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

87. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

88. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, ижроия органи раҳбари (Бош директор) билан меҳнат шартномасини имзолайди.

89. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

90. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

91. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, ижроия органи талабига кўра чақирилади.

92. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

93. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

94. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

95. Баланс қиймати ёки олдин қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларининг овози инобатга олинмайди.

96. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

97. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

98. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

99. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

100. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси - Бош директор томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

101. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Жамият акциядорлари ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

102. Бош директор Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

103. Бош директор ва бошқарув аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). У билан меҳнат шартнома Жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

104. Бошқарув ваколатига қўйидагилар киради:

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;
- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

Жамиятнинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш.

105. Бош директорнинг ваколатига қўйидагилар киради:

- мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиш;
- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шў жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

106. Бошқарув ва Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. У қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг ягона акциядори олдида жавобгардир.

107. Бошқарув ва Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради.

XIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

108. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тафтишчи бир йил муддатга сайланади.

109. Тафтишчининг талабига биноан Ижроия органи молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтишчига тақдим этиши шарт.

110. Тафтишчи бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтишчилигига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

111. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

112. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

113. Тафтишчининг хулосаси мазмунига қўшимча талаблар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

114. Тафтишчи жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

115. Тафтишчи мазкур Устав ва Жамият ягона акциядори томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтишчиси тўғрисида”ги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

116. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

117. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

118. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

119. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

120. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

121. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XIV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби

122. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий

Йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Жамиятни тугатиш тартиби

123. Жамиятни тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тухтатилишига олиб келади.

ХV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

124. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

125. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

126. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

“EUROASIA INSURANCE”
Акциядорлик жамияти
Қўшма корхона
Бош директори



И.Ш. Абдукахаров